



O'zbekiston Respublikasi
IV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН! POSTDA

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail: postda@evo.uz • 2015-yil 22-fevral, yakshanba • № 08(4109)



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ – 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ФРОНТИ ФАХРИЙЛАРИНИ «ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ФАЛАБАНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТҮГРИСИДА

2015 йил 9 майда умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Фалабанинг 70 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан фашизм устидан қозонилган Фалабага бебаҳо ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини муносаби равишда ва иззат-икром билан шарафлаш мақсадида:

1. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Фалабанинг 70 йиллиги шарафига «Иккинчи жаҳон урушидаги Фалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали таъсис этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Иккинчи жаҳон урушидаги Фалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган фалаба учун» ва «Япония устидан қозонилган фалаба учун» меҳнатлари билан, уруш йилларида жан-

говар хизматлари учун олинган бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган ёки уруш қатнашчиси гувоҳномасига ёхуд. Ватан уруши ногирони гувоҳномаларига эга бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Фидокорона меҳнати учун мукофотланган, шу жумладан, «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун», «Меҳнатдаги жасорати учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганини учун» медалларига ёки 1941-1945 йиллардаги уруш даврида қуролли кучларда фуқаро шахсларни эркин ёллаш бўйича штат лавозимида бўлганлик түгрисидаги гувоҳномага эга бўлган меҳнат фронти қатнашчилари мукофотланадилар.

3. «Иккинчи жаҳон урушидаги Фалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали түгрисидаги Низом ва унинг тавсифи 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТҮГРИСИДА

Кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-куватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишини такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек ҳалқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг устувор вазифа ва йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилих-хуқуқий шартшароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий базани янада такомиллаштириш, пен-

сия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи хужжатларни олиш хизматлари кўрсатишининг энг қулай тизимини шакллантириш;

кексалар, авваламбор, фашизм устидан қозонилган фалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносаби хисса қўшган 1941-1945 йиллардаги фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-куватлашни кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносаби турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, «Нуроний» жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-куватлаш миқёсини ошириш;

(Давоми 2-бетда).

«Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танлови якунланди

Профилактика инспектори маҳалланинг ҳам кўзи, ҳам қулоғи бўлиши лозим.
Ислом КАРИМОВ

ТИНЧЛИК ПОСБОНИ, ФАРОВОНЛИК ТАЯНЧИ



Юртимизда ҳукм сурәтган тинчлик, осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлашда барча ҳуқуқ-тартибот органлари қатори ички ишлар идораларининг ҳам муносаби ҳиссаси бор. Айниқса, юртимизнинг ирик шаҳарларию энг чеккасидаги тогли, чўл ҳудудларида, қишлоғу овулларида фуқаролар билан ҳамнафас бўлиб хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг ўрни алоҳида аҳамиятга моликdir.

Шу боис ҳам ички ишлар идораларининг муҳим тизимларидан бири бўлган профилактика хизматига Президентимиз ва ҳуқуматимиз томонидан катта эътибор берилаштирилди. Йойларда бу муҳим ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижобати юзасидан бажарилаётган ишлар кўлами ҳам салмоқли бўлмоқда. Биринчи галда профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ва аҳоли билан ҳамкорликда фаолиятни далилидир. Йойларда бу муҳим ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижобати юзасидан бажарилаётган ишлар кўлами ҳам салмоқли бўлмоқда. Биринчи галда профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ва аҳоли билан ҳамкорликда фаолиятни далилидир.

юритишлини учун қулай шартшароитлар яратилган. Бунинг учун милиция таянч пунктиларининг асосий қисми шаҳарча, қишлоқ, кўргон, овул ва маҳалла фуқаролар ийғинлари билан бир бинода жойлаштирилган. Бу масканларда фуқароларни ташвишга солаётган масалалар, оиласидан муаммолар профилактика инспекторлари, фуқаролар ийғини раислари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбарлари, диний мъарифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раислари билан ҳамкорликда ҳал этилмоқда.

Шу билан бирга, профилактика инспекторларининг билими ва маҳоратини ошириб боришига ҳам катта эътибор қаратилган. Президентимиз таъкидлаганидек: «Профилактика инспекторларининг малакаси ва професионал маҳоратини ошириш фойт муҳим вазифалардан бириди. Юксак професионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш – ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоги даркор».

(Давоми 8-9-бетларда).

«Намунали милиция таянч пункти» республика

ТИНЧЛИК ПОСБОНИ,

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Милиция таянч пункти ички ишлар идораларининг фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик маскани эканлиги амалда ўз исботини топиб, халқимиз томонидан эътироф этилган. Шу боис ҳам йилдан йилга уларнинг сони ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида республикамиз бўйича яна 46 та милиция таянч пунктлари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 3758 тага етди. Милиция таянч пунктларининг инфратузилмасига ҳам катта эътибор бериллаётгани боис, уларнинг асосий қисми замонавий услубда таъмирланди, янгидан қурилди, қўшимча хоналар ажратиб берилди ва қишлоқ, маҳалла гузарларининг энг кўркам биносига айланди. Мавжуд милиция таянч пунктларининг 84,2 фоизи худудида спорт майдончалари, 77 фоизида факультатив тўғараклар, 78 фоизи атрофида эса кичик бизнес шохобчалари ташкил этилган.

Шу ўринда профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар идораларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари билан ҳамкорликда, ҳамжиҳатлиқда ишлётгани кутилган натижаларни берәётганини айтиб ўтиш жоиз. Энг муҳими, кўзланган мақсадга эришилмоқда, яъни жойларда хукуқбузарлик ва жиноятлар камайиб бормоқда. Шуниси қувонарлики, ўтган йили республикализмининг 2175 та қишлоқ ва маҳаллаларида бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл кўйилмади. Анъанага айланаб қолган «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-тандловини ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам милиция таянч пунктиларининг нуфузини ошириш, профилактика инспекторлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг кенг жамоатчилик билан ҳамкор-

лигини мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Республика маънавият тарғибот маркази, Савдо-саноат палатаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг кўшма қарорига мувофиқ ўтказилиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг шаҳар, туман ва вилоят босқичлари зўр кўтаринки руҳда ташкил этилди. Тадбирга тайёргарлик кўриш жараёнида жойлардаги милиция таянч пунктларининг аҳволи кўздан кечирилиб, ички ишлар идоралари, ҳомий ташкилотлар томонидан зарур ёрдам кўрсатилиб, таъмирланди, жихозланди. Кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлганлар республика босқичида иштирок этиш учун пойтахтимизга йиғилдилар.

«Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи куни кечада пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Байрамона безатилган санъат кошонасига карнай-сурнайлар садоси остида республикамиз пойтахти ҳамда вилоятларнинг шаҳар, қишлоқ, овул, маҳаллаларида хизмат қилаётган профилактика инспекторлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, меҳмонлар кириб келдилар. Ҳар йилдагидек сарой фойеси ва иккинчи қаватида кўргазмалар ташкил этилган. Кўргазмаларда республикамиз вилоятларида қадим-қадимдан давом этиб, мустақиллик йилларида янада ривож топаётган хунармандчилик буюмлари, қўли гул уста, чеварлар томонидан тайёрланган сопол идишлар, каштачилик намуналари кўйилган. Кимдир миллий кашталарга кўз тикиб завқланса, яна бошқаси хунармандчилик буюмини кўлга олиб, ижодкорига тасанно айтади. Кўргазмаларни айланиб, иштироқчиларни сұхбатга тортдик.

– Маҳалламиз асосан кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, ўндан ортиқ миллат вакиллари истикомат қиласди, – дейди Урганч шаҳридаги «Кўхна

зорда ўсмирларнинг спорт билан шуғулланаётганла-ри намойиш этилмоқда. Кўргазмага яқинлашдик.

– Мен хизмат кўрсатадиган «Икром карвон» маҳалла фуқаролар йигинида училдан бери бирорта ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлик қилгани ёки жиноят ишларига алашиб қолган ҳолати учрамади, – дейди Навоий вилояти Хатирчи тумани ИИБ ҳооб беён ва ХПП инспектори, лейтенант Суннатилло Нормуродов.

— Бунга аввало, ота-она-ларнинг фарзандларига нисбатан бефарқ бўлмай доимий назорат қилиб туришлари орқали эришдик. Ўғил-қизларнинг маҳалладаги тўгараклар, айниқса спорт турлари билан шугуланишлари учун етарли шарт-шароит яратилганд. Яқинда куриб битказилган спорт мажмуасида ўндан ортиқ тўгараклар ташкил этилган. Маҳалла-лараро спорт мусобақала-рини ташкил этишда ота-оналарнинг ўзлари бошқош бўлиб, ҳомийлик килишади.

- Ахоли сонининг ўсиб бориши, янги-янги уй-жойлар курилиб, кўча, маҳаллалар сонининг ортиши янги милиция таянч пунктларини ташкил қилишни тақозо этмоқда.

муомала қилаётган аёлни сұхбатта тортдик.

– Мен Термиз туманиндағы «Солиобод» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар құмитаси бошланғич ташкилотининг раиси Гулчехра Дүсиеева бўламан, – деди у. – Мана шу эгнимдаги лиbosлар, мана бу дўппи, сўзана, гиламчалар, жойпўшларни маҳалламиз аёллари тўқишган, тикишган. Болажонлар учун юмшоқ ўйинчоклар ҳам маҳалламиизда тайёрланади. Бизда хунармандчиликка катта эътибор берилган, кичик цехлардан ташқари, касачаликни ҳам йўлга қўйганмиз. Тадбиркор аёллар сони ортиб бормоқда. Аллақачон дехқончиликни бошлаб, эртаги экинларни экаяпмиз. Ҳадемай бозорларга кўкатлар етказиб берамиз.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссияси раиси А. Икрамов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Баситханова, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-



– дейди Наманган вилоятини ИИБ ҲООБ бошлиғи подполковник Бахтиёр Турсунбобоев. – Ўтган йилнинг ўзида вилояти мизда йигирмата милиция таянч пункти янгидан ташкил этилди. Туман ҳоким-ликлари, ҳомий ташкилотлар томонидан замонавий услугда қурилган биноларда маҳалла фуқаролар йигини ҳам жойлашган бўлиб, компьютер жамланмаси, алоқа воситалири билан таъминланди. Маҳалла фаоллари билан профилактика инспекторининг биргаликда, ҳам жиҳатлика фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Сурхон воҳасига хос
миллий либос кийиб, кел-
ганларга очиқ чехра билан

лейтенант А. Ахмедбаев, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Б. Курбонов ҳамда бир қатор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ташриф буюриб, кўргазмаларни кўздан кечиришди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов ва генерал-лейтенант А. Ахмедбаев кўрик-танлов иштирокчилари билан дилдан сухбатлашди.

Ўғил-қизларни кенг жалб этилаётганини кўрик-танловга келган навоийликлар сўзлаб беришиб, айнан ўқувчилар томонидан тайёrlанган уй-рўзгор буёумларини намойиш этдилар. Бухоро ва Қашқадарё вилоятидан келган иштирокчилар билан сухбат мактабларда давомат, ўқувчиларнинг бўш вақтини қандай ўтказаётгани, узок муддатга республикадан чиқиб кетгандар билан олиб борилаётган ишлар хусусида бўлди. Рес-

Фарғона вилоятидан келган иштирокчилар билан тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар юзасидан сұхбат бўлди. Вазир тадбиркорларнинг кўпайиб, янги иш ўринлари очилиши ёшларнинг узоқ муддатта рес- яр хусусида бўлди. Гео публика Бош вазири ўринбосари Э. Баситханова Сурхондарё вилоятида коллежни битирган қизларни ишга жойлаштириш масаласи билан қизиқди. Кейинги пайтда вилоятда аёллар ўртасида жиноятлар содир этилаётгани,

КҮРИК-ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

ФАРОВОНЛИК ТАЯНЧИ

кишлөк, махалла фуқаролар йигинларидағи хотин-қизлар, оиласын билан ишлеш комиссиясынинг фаолиятниң янада күчайтириш лозимлигини айтиб, комиссия аъзолари ҳар бир оиласын имкони бўлса ҳар куни хабар олиб туриши лозимлигини таъкидлади. Республика Баш вазири ўринбосари А. Икрамов Тошкент вилоятидан келган иштирокчиларга қишлоқ жойларда фуқароларнинг томорқадан фойдаланишларида амалий ёрдам кўрсатиш зарур бўлса, уларга ургуллик, кўчт олиш учун моддий кўмак бериш, чорва билан шуғулланиши истаганлар учун банклардан кредит олишларига ёрдам бериш лозимлигини айтиб, бу ишларда махалла фуқаролар йигини ташаббускор бўлиши кераклигини таъкидлади.

Профилактика инспектори ўзи хизмат қилаётган худуднинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун масъулдир. Вазир бу сўзларни самарқандликлар билан сұхбатда айтар экан, бунинг учун профилактика инспектори махалла фаоллари, жамоатчилик вакилларининг кучидан фойдалана билиши, бу ишга уларни жалб эта биломги шарт, деб уқтириди. Пойтахти иштирокчиларнинг ёшлар билан ишлеш юзасидан олиб бораётган ишларидан отоналарнинг ролини күчайтириш катта аҳамият касб этиши айтиб ўтилди. Шунингдек, Баш вазир ўринбосарлари, Ички ишлар вазири Қорақалпоғистон, Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятидан келган иштирокчиларнинг хунармандчилик, тикувчилик буюмлари билан танишиб, тегишли масалалар юзаидан фикр-мулоҳазаларини билдиришиди.

Тадбирнинг тантанали қисмини Ўзбекистон Республикаси Баш вазири А. Икрамов кириш сўзи билан очди ва анъанага айланни,

хар иили ўтказилаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг аҳамияти ҳақида тўхтади. Халқимизда оила тинч бўлса, махалла тинч бўлади, махалланинг тинчлиги эса юрт тинчлигидир деган пурмаъно ибора бор. Нотик юртимизда барда-

раиси ўринбосари Р. Обидов тўртта худуд бўйича учинчи ўринни олган милиция таянч пунктларини аниқлаб, диплом ва компьютер жамланмасини топширилар.

Ўзбекистон Республикаси Баш вазири ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-

Шундан сўнг саҳнага «Матиз» автомашинаси олиб чиқилди. Вазир биринчи ва иккинчи худудлар бўйича биринчи ўринни эгаллаган милиция таянч пунктларини аниқлаб, профилактика инспекторларига «Матиз» автомашинаси калитини топшириди.



вом бўлиб турган тинчлик ва осойишталикини сақлашда ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан профилактика инспекторлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлиги мухим ўрин тутаётганини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг кўрик-танлов номинациялари бўйича галибларни тақдирлаш бошланди. Тантанага ташриф буюрган Республика вазири, идора ва жамоат ташкиларининг раҳбарлари номинациялар бўйича галибларни аниқлаб, уларга диплом ва телевизор топширилар.

Тақдирлашнинг кейинги босқичида кўрик-танловда фахрли ўринларни эгаллаган милиция таянч пунктлари ўзлон қилиниб, муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг биринчи ўринбосари Ш. Матиев ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди

кишлар қўмитаси раиси Э. Баситханова тўртта худуд бўйича иккинчи ўринни эгаллаган милиция таянч пунктларини аниқлаб, диплом ва компьютер жамланмасини топшириди.

Тантанали тадбир бошловчилари энг ҳаяжонли дамлар яқинлашганини ўзлон қилишиди. Сўз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Ахмедбаев берилди.

Генерал-лейтенант А. Ахмедбаев бу йилги кўрик-танловга «Милиция таянч пунктлари» фаолиятини ташкил этиш бўйича ташаббускор ва жонкуяр раҳбар» номинацияси ҳам киритилганини айтиб, ушбу номинация бўйича ички нафар ишлар идораси бошлиғи ва «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини тақомиллаштириш бўйича энг фаол хоким» номинацияси бўйича ички нафар ҳокими тақдирлади. Шунингдек, учинчи ва тўртчинчи худуд бўйича биринчи ўринни олган милиция таянч пунктларини аниқлаб, профилактика инспекторларига «Матиз» автомашинасини топшириди.

Тантанали тадбир якунда ИИВ Маданият саройининг ашула ва рақс ансамбли ҳамда Республика музикантын таникли санъатлари иштириқида концерт дастури на-мойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Баш вазири ўринбосари А. Икрамов «Милиция таянч пунктлари» фаолиятини ташкил этиш бўйича ташаббускор ва жонкуяр раҳбар» номинацияси бўйича ички нафар ишлар идораси бошлиғи ва «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини тақомиллаштириш бўйича энг фаол хоким» номинацияси бўйича ишкинаро ҳокими тақдирлади. Шунингдек, учинчи ва тўртчинчи худуд бўйича биринчи ўринни олган милиция таянч пунктларини аниқлаб, профилактика инспекторларига «Матиз» автомашинасини топшириди.

Тантанали тадбир якунда ИИВ Маданият саройининг ашула ва рақс ансамбли ҳамда Республика музикантын таникли санъатлари иштириқида концерт дастури на-мойиш этилди.

ХУДУДЛАР БЎЙИЧА ГОЛИБЛАР:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ТОШКЕНТ ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТЛАРИ БЎЙИЧА:

1-ўрин: Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Алишер Навоий номли махалладаги 86-милиция таянч пункти.

2-ўрин: Самарқанд вилояти Иштихон тумани Халқобод маҳалласидаги 124-милиция таянч пункти.

3-ўрин: Тошкент вилояти Пискент тумани Гулистон маҳалласидаги 231-милиция таянч пункти.

ФАРГОНА, АНДИЖОН ВА НАМАНГАН ВИЛОЯТЛАРИ БЎЙИЧА:

1-ўрин: Наманган вилояти Наманган тумани Курасма маҳалласидаги 21-милиция таянч пункти.

2-ўрин: Андижон вилояти Асака тумани Кужган маҳалласидаги 73-милиция таянч пункти.

3-ўрин: Фарғона вилояти Кўқон шаҳри Бунёдкор маҳалласидаги 54-милиция таянч пункти.

БУХОРО, НАВОИЙ, КАШҚАДАРЁ, СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ БЎЙИЧА:

1-ўрин: Сурхондарё вилояти Термиз тумани Солиобод маҳалласидаги 23-милиция таянч пункти.

2-ўрин: Бухоро вилояти Когон тумани Истиқбол маҳалласидаги 191-милиция таянч пункти.

3-ўрин: Қашқадарё вилояти Фузор тумани Мустақиллик маҳалласидаги 47-милиция таянч пункти.

3-ўрин: Навоий вилояти Хатирчи тумани Икром Карвон маҳалласидаги 97-милиция таянч пункти.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ХОРАЗМ, ЖИЗЗАХ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ БЎЙИЧА:

1-ўрин: Жиззах вилояти Паҳтакор тумани Буюк Ипак йўли маҳалласидаги 116-милиция таянч пункти.

2-ўрин: Қорақалпогистон Республикаси Нукус шаҳри Навбахор маҳалласидаги 202-милиция таянч пункти.

3-ўрин: Хоразм вилояти Урганч шаҳри Кўхна қалъа маҳалласидаги 23-милиция таянч пункти.

3-ўрин: Сирдарё вилояти Ховос тумани Фарҳод маҳалласидаги 100-милиция таянч пункти.

НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ГОЛИБЛАР:

«Энг маҳоратли профилактика инспектори» – Сирдарё вилояти Ховос тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, майор Дилшод Махмадкулов.

«Ёш авлод ҳимоячиси» – Қашқадарё вилояти Қарши тумани ИИБ ҲООБ ВЕҮН ва ҲЛГ катта инспектори, капитан Ҳидоят Тўраева.

«Баркамол авлод етакчisi» – Тошкент шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани кенгаши раиси Баҳодир Зиёвуддинов.

«Фидойи махалла пособони» – Фарғона тумани «Аввал» қишлоқ фуқаролар йигини «Махалла пособони» жамоат тузилмаси раҳбари Шоиржон Холматов.

«Энг обод ва осойишта махалла раиси» – Хоразм вилояти Хива тумани «Дўстлик» махалла фуқаролар йигини раиси Файрат Юсупов.

«Маърифатпарвар маслаҳатчи» – Бухоро тумани «Талалиён» махалла фуқаролар йигини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Адолат Жамолова.

«Адолатли ярашириш комиссияси» – Андижон вилояти Жалолкудук тумани «Бозорбоши» махалла фуқаролар йигини хузуридан «Ярашириш комиссияси» раиси Баҳтиёржон Сайдов.

«Хотин-қизлар қўмита-си бошланғич ташкилотининг ибратли раиси» – Фарғона вилояти Кўқон шаҳридан «Яланҷоч ота» махалла фуқаролар йигини хотин-

кишлар қўмитаси бошланғич ташкилотининг раиси Гулнора Пайғамова.

«Энг фаол касаба ўшомаси ташкилоти етакчи-си» – Наманган тумани таълим, фан ва маданият ходимлари касаба ўшомаси кенгаши раиси Акмалжон Усмонов.

«Энг фаол хотин-қизлар қўмитаси раиси» – Қашқадарё вилояти Миришкор тумани ҳокими ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси Навбахор Нуреғдиева.

«Милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича ташаббускор ва жонкуяр раҳбар»:

Тошкент шаҳар Бектемир тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Орифжон Матибрагимов.

Андижон вилояти Асака тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Шуҳрат Парғиев.

Навоий вилояти Хатирчи тумани Ҳолназоров.

Хоразм вилояти Урганч шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник Аркабой Юсупов.

«Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини тақомиллаштириш бўйича энг фаол ҳоким»:

Самарқанд вилояти Иштихон тумани ҳокими Шуҳрат Неъматов.

Андижон вилояти Кўргон тумани ҳокими Авазбек Эргашев.

Сурхондарё вилояти, Термиз тумани ҳокими Бозор Холназоров.

Жиззах вилояти Паҳтакор тумани Ҳафтакор тумани ҳокими Faғurjon Karshiboев.

СЎЗ ГОЛИБЛАРГА

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Алишер Навоий махалла фуқаролар йигинига хизмат қўлиувчи 86-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Нуриддин Остонов:

– Бугун бизнинг ҳамхизатлиқда олиб борган ишларимиз эътироф этилаётганидан, нуғузли танловда голиб чиққанимиздан бениҳоя хурсандмиз. Албатта, бу натижаларни махалла фуқаролар йигини раиси, фаоллар, посбонлар билан бирга худуд тинчлиги, аҳоли фарғон яшаши учун тинимизиз қилинган меҳнатимиз эвазига кўлга кирилди, деб ўйлайман.

Худудимизда 5694 нафар аҳоли истиқомат қилса, уларнинг 1400 дан зиёди вояга етмаганлардир. Махалла ёшпариининг баркамол бўлиб вояга етиши, назоратсиз қоли турли хукубзарларидар содир этмаслиги учун спорт тўғраклари ташкил этишга, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ҳаракат қўляпмиз. Бу эса ўз самарасини бериб, жиноятларидар содир этилиши ўтган йиллардагидан кўра ачча камайди. Бундан кейин ҳам ишни шундай ташкил қилишга, ҳамкасларининг намунали иш тажрибасини ўзимизда жорий этишга ҳаракат қўламиз.

Жиззах вилояти Паҳтакор тумани «Буюк Ипак йўли» қишлоқ фуқаролар йигинига хизмат қўлиувчи 116-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Маҳмуд Умиров:

– Замон тинимизиз ривожланиб, барча соҳага янги технологиялар жорий этилаётпани. Бу йилги танловда голиб чиққанимизга замон билан ҳамнафас қадам ташлашимиз турфайли эришидик, деса бўлади. Айни пайтда худудимизда синов сифатида жорий этилган «Давомат» ягона мониторинг тизимиңг бенуқсон ишләёттани, туман ИИБ раҳбарияти ва профилактика инспекторининг бевосита видео мулокоти йўл

Зулфия таваллудининг 100 йиллигига

ФОЙИБОНА СУҲБАТ

Бадиа

Зулфияхоним, шоир, сабрнинг, садоқатнинг тимсоли бўлган опам!

Мингта қалби қуйган, қаламидан қўли қуйган шоиралар ичра ярқираб, ёниб турган юлдузим! Шеърият майдонида мардана жантга кирган Тўмарисим!

Ориятини гулга, номусини нурга ўраган, вафо туйғусини буюклаштирган, садоқатни улуғлаштирган құдратли аёлим, шоир! Увайсий, Нодирабегимлардан кейин топган, таниган маъвом!

Бугун менга нимадир бўлди, тонгда туриб шеърларингизни ўқий бошладим. Қайта ва қайта, такрор ва тақрор... Қалбингида киргандай бўлдим. Сиз билан сұхбатлашгим келди, фойибона. Зоро, руҳиятнинг ёши, замону макони бўлмас.

Мана, дил дафтариңиз кафтида турибди. Сиздан ўзимни топяпман.

Шоир, яқинда сиз юз ёшга киравсиз, мен ҳам эллиқдан ошдим. Оқ-қорани таниб қолдим. Мен ҳам сиз топган дунёни топиб олганман. Бироз эл оғзига тушиб қолдим.

Кўча-кўйда одамлар тўхтатиб, сұхбат қурғиси келяпти. Давраларга кирсам, саломлашаётуб, шеърларингизни яхши кўраман, китобингиз ёстиғим остида туради, деб қулогимга шиврлашади. Шундай баҳти кезларда қўнгли нима деса, шуни ёзиб, шуни айтиб юрган бир қаламкашга шунча эътибор, ҳурмат, эъзозни кўриб, ич-ичимдан сизга меҳрим яна-да ошиб кетади. Чунки сиз «ШОИРА» деган номнинг мақомини, даражасини кўтариб кетдингиз. Биз, сиздан кейин қалам тебратиётганлар шу номнинг нашидасини суряпмиз. Сиздек улкан даражатнинг соясида юрибмиз.

Кўлимдаги китобингизни аста варақлайман... Руҳан тарихингизга назар ташлайман:

Ўн етти ёшингизда биринчи китобингиз чоп этилибди.

«Юзинг осмонга тушгандо, ловуллаб офтоб қуигай» деб нола қилган бир шоирни севгисида ёндирган, куйдирган, ўзи ҳам севган гўзал қизнинг бокира баҳтига ҳавас қиласан. Ишқингизда куиған шоирнинг кимлигининг ўзи одамни довдиратиб қўяди.



Опажон, минг афсуслар бўлсинки, бу қўшинаволик узоққа чўзилмади. Йигирма тўқиз ёшингизда, икки фарзандингиз билан бева қолдингиз. Сиз севгилингиз, болаларингизнинг отаси, ҳамфиқр дўстингиз, керак бўлса, устозингиздан айрилдингиз. Ўзбек адабиёти эса бир дилбар шоир, баҳт ва ҳаёт куйчисидан жудо бўлди.

Шоир, шоир – авлиё, шеър башортлиги рост экан. Бўлмаса, баҳт ичра яшнаб турган бир пайтда айрилиқ, ҳижрон, ёлғизлик ҳақида шеърлар ёзилди... 1942 йилда ёзган «Ҳижрон» шеърингизда: «...Менинг юрагимга тушди ҳижрон, доғ...» деганингизда ҳижроннинг ўчмас доғ эканлигини ҳис қўлганингиз?

Яна ўша йили ёзилган:

... Сени эсга олиб гуллар очилди,

Қайдасан, гул фаслин севган тоза дил...

Яна бир шеърингизда:

... Ҳам тушда, ҳам ўнгда излайман сени... – дейсиз.

Шоир, шеър кўп нарсалардан сақлаб қоларкан, шундай эмасми?! Ҳижрон, ёлғизлик эзганида, нафис жуссаларга оғирлик қилган бир пайтда у елкадош бўларкан. Кўп дардлардан халос этаркан.

Энди билсан, ёзган шеъримиз тақдиримиз экан. Чунки у бизнинг танловимиз. Шунинг учун ёзганларимизнинг ҳаётини кейинроқ яшадик. Шеърда нима деган бўлсак, ўша кунларни кўрдик...

Шоир, олимам, мутафаккирим! Сизга бу савдолар аён.

Ярим аср яшаб, диний, дунёвий китобларни ўқий-ўқий, яхши-ёмон, пасту баландларни кўра-кўра бир ҳақиқатни топдим. Бизнинг туриш-турмушимиз, муносабатларимиз кўзгу экан. Нима қилсак, яъни ойнага қандай қарасак, ўз аксимизни кўрамиз. Йиғласак – йиғлайди, кулсак – кулади кўзгудаги менимиз. Шунинг учун ҳаётимизда содир



бўлаётган яхшиликлар, ёмонликлар, яъниким зарбалару мукофотлар барчабарчаси ўзимиздан эканлиги аён бўлди. Кимdir сени севишини ҳојласанг уни тўхтовсиз севаверишинг керак экан, чунки у бир кунмас, бир кун кўзгуга қарайди...

Айниқса, Ватанни куйлаган Ватанга азиз бўларкан. Майдалашган майдалашиб, ўзининг дарди билан қуймалашиб юравер экан. Ўлимидан кейин яшаш ҳаммага ҳам насиб этавермаскан.

Ха, Ватанни севмоқ, Ватанга фидо бўлган ҳар бир жонни Ватан деб танимок, ўз элингнинг мадҳини куйламоқ баҳт.

... Муз парчадир ўзга юрт,

гарчи парку тўшаги,

Ўз тупроғинг тошида ётмоғинг ҳам

баҳт эрур...

Менинг учун ҳам ҳар бир ватандошим – менинг Ватаним янглиг муқаддас:

Даланинг қоқ ўргасида,

саратон мавжида,

тут соясида

гўдагини бағрига босган жувон –

менинг Ватаним...

Ижодингиз қатламларига тобора сингар эканман, қалбингиз сарҳадлари қанчалар бепоён эканлигини англай бошладим. Сиз Ватанинн севдингиз, унинг ҳар бир қаричини ардоқладингиз, унинг қайгуси билан куйдингиз, шодлиги бинан қувондингиз, дардига малҳам сўз топа олдингиз:

... Мен шунда туғилдим, кўрдим дунёни,

Ҳаётта илк қадам қўйганинан шунда.

Тилим нутқ тоғди, кўзим зиёни,

Мехр ва эрк билан яшадим кунда.

Гўдак тушунчамда Ватан, деб билдим... ёки:

... Фақат сени дедим, қалб қўшини,

Эй, азиз Ватаним, атадим сенга.

Сен хур бўлганингчун нафасим хурдир,

Ҳаётим лаззатли, баҳт ёрдир менга...

... Сенга, азиз Ватан, сенга, она юрт,

Мехринг, ишқини билан тўлиқ овозим...

Ватан деган буюк туйгуни аёл деган буюк қалб билан ҳис қилдингиз. Қиз бўлиб яйрадингиз, аёл бўлиб заҳмат чекингиз, она бўлиб меҳр бердингиз.

Мана, бугун сизни Ватан севмоқда, Ватан ардоқламоқда. Ўзбек деган бетакор ва беқиёс миллатнинг қалбиди очилган чечак бўлдингиз. Бугун сизнинг ногинги тилдан тилга эҳтиром ила ўтмоқда. Исмингиз айтилган тиллардан бол томаётир. Бу ҳам сизнинг кўзгудаги аксингиз. Чунки сиз она юртимнинг минг йиллик тарихини васф этдингиз, унинг баҳору кузлари, қуёшу қировлари, тоғу тошлари, дала-даштларини қўшиқ қилиб куйдингиз. Пахтаси, буғдойи, шоҳи ипаклари, палагу сўзаналари, лобар қизларину мардана ўғлонлари, чўпону миробарини ҳам назарингиздан қолдирмадингиз. Шундай қилиб, ҳамманинг Зулфиясига айландингиз.

Қалбida шарқираб дарёлар оқсан – шоирам! Қалам тутган аёл ижодкорларга бағрингизни очдингиз, «йилт» этган чўгтафтини сездингиз, эътироф этдингиз. «Саодат» номли минбарда туриб уларни саодат сари етакладингиз. Қаранг, шоиралар ҳали-ҳануз сизнинг изингиздан бормоқдалар. Юриш-туришлари, гапириш, кулишларида ҳам салобатингиз сезилиб туради. Уларнинг шеърларидан эса нафасингиз ифори келади. Билдимки:

... Томчисини қизғонмайди уммони борлар, Нафасини санаб олмас осмони борлар... Карвонни деб ёв бўлғанлар, ёвга олдирав, Балолардан омон чиқар сарбони борлар...

Шоираи давроним, бу дунёнинг меҳвари фикр экан, ҳамма нарса шундан бошланади. Халқимиз жўнгина «ниятингни яхши қил», деб қўйган. Сиз яхши ниятлар қилган экансиз:

... Яхши номим, баҳт-севинчим бут,

Барчасини берай қизларга...

Ортингиздаги саф-саф тортиб турган «Зулфияхоним қизлари»га бир назар ташланг. Ахир, Ватанинн бошида турган Юртбошизининг қалбидаги сизга бўлган меҳри, шафоати Аллоҳдан иноят эмасми? Бу эса қалам тутган биз, ижодкорлар зиммасига янада оғирроқ масъулиятни юкламоқда. Демак, юртнинг, элнинг меҳрини қозонимоқ учун сизнинг ҳаёт ўйлингиз энг гўзал андозадир.

Шоирам, «Эмиш» номли шеърингизда ёзганингиздагидай, биз баҳтлилармиз.

... Аёл баҳти! Мендай аёл баҳтига, Тақдир маликани қўрганим лойик. Халқ меҳрида, ёрман эл шуҳратига, Баҳтли аёл деса ҳақли халойик.

Фарида АФРУЗ.

СУРХОН ВОҲАСИДА БАҲОР НАФАСИ

Сурхондарёда бодом гуллади. Бу – табиат қиши ўйқусидан уйғониб, ўз тароватини кўз-кўз қилишга жазм этганидан дарак!


Ҳамал келди – амал келди, дейди ҳалқимиз. Шунга кўра, бугун воҳа аҳли кўклам юмушларига қизғин кириши. Термиз шаҳридаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йигини аҳолиси ҳам дарахтларни оқлаб, мевали ва манзарали дарахт ва гул кўчатларини ўтқазиш, ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқда.

ЎзА фотомухбари
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ
олган сурат.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IVI BIRLASHGAN TAHRIRIYATI
MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinnbosari – Qobiljon SHOKIROV
Mas'ul kotib – Rahmatilla BERDIYEV
Navbatchi – Sherzod ABDUSAMADOV
Sahifalovchi – Zokir BOLTAYEV
Matn ko'chiruvchi – Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR:
231-33-88;
Faks: 255-31-39.
ISSN 2010-5355

9772010535001

Tahririyat hisob raqami 202100090044798001,
MFO 00420. ATIB «Ipotekabank»
Mirobod tuman bo'limi. INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlari egasiga qaytarilmaydi. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.
«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №S-2197. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 69940 nuxsada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqtisi – 22.00. Bosishga topshirildi – 21.00. Bahosi kelishilgan narxa.

MANZILIMIZ: 100070, Toshkent,
Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.